



**“Олмалик кон – металлургия комбинати” акциядорлик жамияти
ЯГОНА АКЦИЯДОР ҚАРОРИ**

2024 йил 30 август

4 - сонли

Олмалик ш.

Ушбу қарор Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида” 2014 йил 6 майдаги ЎРҚ-370-сон Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 20 майдаги ПҚ-182 сон Қарорига мувофиқ ягона акциядори бўлган “Олмалик кон-металлургия комбинати” акциядорлик жамияти томонидан қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Саноат учун муҳим минераллар хомашё базасини шакллантириш ва ишлаб чиқаришни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2024 йил 20 майдаги ПҚ-182 сонли қарорига мувофиқ:

- “Олмалик КМК” АЖ таркибидаги Нодир металллар ва қаттиқ қотишмалар ишлаб чиқариш бўйича илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси негизида “Ўзбекистон технологик металл комбинати” акциядорлик жамиятини ташкил этиш;

- комбинатнинг дастлабки устав капитали Нодир металллар ва қаттиқ қотишмалар ишлаб чиқариш бўйича илмий ишлаб чиқариш бўйича илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси мол-мулкининг баланс (қолдиқ) қиймати микдорида шакллантириши ва комбинатнинг бирламчи акциялари “Олмалик КМК” АЖга номинал қийматда жойлаштирилиши белгиланган.

Қарор ижросини таъминлаш мақсадида 2024 йил 14 июнда “O'zbekiston texnologik metallar kombinati” акциядорлик жамияти давлат рўйхатидан ўтказилган.

Мазкур вазифалар бажарилишини таъминлаш мақсадида “O'zbekiston texnologik metallar kombinati” АЖ нинг ягона акциядори **қарор қилади:**

1. “O'zbekiston texnologik metallar kombinati” акциядорлик жамиятининг акциялар чиқарилиши тўғрисидаги қарори иловага мувофиқ тасдиқлансин.


2. “O'zbekiston texnologik metallar kombinati” акциядорлик жамиятининг акциялар чиқарилиши муносабати билан 257 459 109 100 сўм микдоридаги,

номинал миқдори 100 сўмдан бўлган 2 574 591 091 дона эгасининг номи ёзилган акциялар чиқарилсин.

3. “O’zbekiston texnologik metallar kombinati” акциядорлик жамиятининг акциялар чиқарилиши тўғрисидаги қарори ўрнатилган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилсин.

4. “O’zbekiston texnologik metallar kombinati” акциядорлик жамиятининг мазкур қарор ижросини таъминлаш бошқарув раиси Ф.Абдуллаевга юклатилсин.

“Олмалик КМК” АЖ
бошқарув раиси



А. Хурсанов